

## ВСТУПИТЕЛЬНОЕ СЛОВО

---

### ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сўнги уч йилда чорвачилик ва унинг тармоқларини янада ривожлантириш, соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилинди.

Ушбу қабул қилинган норматив ҳужжатлар ижроси бугунги кунда республика аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва уларни нарҳини барқарор сақлашга замин яратмоқда.

**Мисол учун**, охириги уч йилда **чорвачилик йўналишида** умумий қиймати **15 трлн. сўмлик 4,3 мингта** лойиҳалар амалга оширилди. Бунинг натижасида янгитдан **2,3 мингта** чорвачилик хўжаликлари фаолияти йўлга қўйилди.

**Натижада, жами 460 мингдан зиёд, шундан 207 минг доимий ва 253 минг мавсумий** янги иш ўринлари яратилди.

*(2016-2017 йилларда йилига 100 та корxonани ишга туширишга имконият бўлмаган).*

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида республикамизнинг чорвачилик хўжаликларидаги қорамоллар сони **1,1 млн бошга (166 %)**, қўй-эчкилар сони **4,6 млн бошга (147 фоизга)**, гўшт (тирик вазнда) **283 минг тоннага (145,8 фоиз)га**, сут **696,3 минг тонна (147,9 фоиз)га** етказилди.

Лекин, ўтган 2021 йилда ёғингарчилик меъёрга нисбатан кам бўлганлиги боис, чорва молларини озуқа билан таъминлашда ўз тасирини кўрсатди.

Мисол учун, **1 дона беда пресс – 2,3 баравар (15 минг сўмдан 35 минг сўмга)**, **1 кг силос – 1,9 баравар (320 сўмдан 600 сўмга)**, **1 кг буғдой – 1,8 баравар (2,2 минг сўмдан 4 минг сўмга)** ва **1 кг маккажўхори (3 минг сўмдан 4,2 минг сўмга) – 1,4 баравар қимматлашди.**

*Биржада 1 тонна шрот нархи 1,4 баравар (2,9 млн сўмдан 4 млн сўмга), шелуха – 1,5 баравар (2 млн сўмдан 3,1 млн сўмга) ўсди. (2-жадвал).*

Озуқа-ем нархининг ошиши ҳисобига гўштниги ўртача нархи **100-110 минг сўм**, сут нархи **10-13 минг сўм** бўлиш эҳтимоли бор эди.

Аммо, узоқни кўзлаб соҳани янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар асосида чорвачилик хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, улар томонидан етиштирилган ва реализация қилинган гўшт, сут ва тухум маҳсулотларига субсидия ажратилиши ва қўшилган қиймат солиғидан имтиёзлар берилиши ўзининг самарасини кўрсатмоқда.

**Маълумот учун:** бугунги кунда **бир кг гўшт 55-65 минг сўм, бир литр сут 4,5 -5,5 минг сўм.**

*(Қозогистонда 1 кг мол гўшти – 5,8, Азарбайжонда – 7, Россияда – 8,5, Туркманистонда – 10, Грузияда – 10, Туркияда 10,4, ва Кореяда – 60 АҚШ долларидан сотишмоқда).*

Берилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш ҳисобига чорвачилик хўжаликларида **400 минг бошдан зиёд гўшт учун** чорва моллари боқилмоқда.

Ушбу чорва молларининг сўйиш даражасидаги етилувчанлиги ҳамда янги ташкил этилган чорвачилик хўжаликларининг фаолияти ҳисобидан ички бозор расталарига гўшт маҳсулотини етказиб бериш барқарорлиги таъминланиб келмоқда.

Ўтган 2021 йилда Тошкент шаҳар йирик савдо марказларига ҳамда қайта ишлаш учун жами **31,1 минг тонна** гўшт импорт қилинган, бу эса республикада ишлаб чиқарилган **2,6 минг тонна** гўштга нисбатан **1,2 фоизни** ташкил этмоқда.

2019 йилга қадар республикада гўшт йўналишида **2 та** зот парваришланган бўлса, бугунги кунга келиб, гўшт йўналишида тез етилувчан **7 та** янги зотлар олиб келиниб парваришланмоқда.

Шунингдек, давлат томонидан белгилаб берилган имтиёзлар натижасида наслчилик хўжаликларининг сони **400** тадан **1 500** тага (**3,7 баробарга** оширилди) етказилди.

Аҳоли хонадонлари ва фермер хўжаликларида наслчилик селекция ишлари тизимли ташкил этилганлиги сабабли зоти яхшиланган қорамоллар бош сони **7 млн. дан** оширилиб, **54 фоизга** етказилди.

Чорвачилик тармоғини қўллаб-қувватлаш мақсадида шу йилнинг ўтган даврида **960 та** чорвачилик субъектларига давлат бюджетидан **110,3 млрд. сўм.** субсидия маблағлари ажратиб берилди.

*Жумладан: 49 та хўжаликка импорт қилинган 2 минг 771 бош насли қорамоллар учун 5,5 млрд. сўм, 7 та хўжаликка 2 минг 111 бош насли қўй-эчкиларга 844 млн. сўм ҳамда 15 та ички хўжаликларда етиштирилган 1 минг 311 бош насли қорамолларга 1,3 млрд.сўм, 12 та хўжаликка импорт қилинган 460 минг бош бир кунлик жўжаларга 4,1 млрд. сўм ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ўз хўжаликларида етиштириб, сотувчи чорвачилик субъектларига 440 та хўжаликка 50 минг. тонна сут учун 14,6 млрд. сўм, 127 та хўжаликка 3,2 минг. тонна гўшт учун 12,3 млрд. сўм, 144 та хўжаликка 643,2 млн. дона парранда тухуми учун 32,1 млрд. сўм, 124 та паррандачилик хўжалигига 13,2 минг тонна парранда гўшти учун 30,6 млрд.сўм ва 42 та хўжаликка интенсив усулда етиштирилган 8,4 минг тонна балиқлар учун 8,6 млрд. сўм.*

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ошириш ва уларнинг нархини барқарорлигини таъминлаш мақсадида **жорий йилнинг якунига** қадар умумий қиймати **9,7 трлн сўмлик 2 031 та** лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилмоқда;

бундан ташқари, **59 та** гўшт ва сут, **8 та** парранда ҳамда **4 та** асал маҳсулотларини **қайта ишлаш корхоналари ишга туширилади;**

жорий йилнинг якунига қадар **105 та** пахта-тўқимачилик, ғаллачилик ва шолічилик кластерлари томонидан **500-1000 бошга** мўлжалланган **чорвачилик комплекслари ташкил этилиши белгиланган.**

**Пахта ва ғалла етиштирувчи субъектлар** томонидан **2 млн гектар суғориладиган** ер майдонининг **10 фоизига алмашлаб экиш тизими жорий этилади.**

Натижада, 2022-2023 йилларда қўшимча **2 млн тонна** озуқа бирлигини жамғариш имконияти яратилади. Шунинг ҳисобига **сут йўналишида 250 минг**

**бош** сигир, **гўшт** йўналишида **500 минг бош** қорамоллар парвариши ташкил этилади ва қўшимча **2,2 млн тонна сут, 400 минг тонна** тирик вазнда **гўшт** етиштирилади;

жорий йилда чорвачилик субъектларига озуқабоп экинлар экиш учун **405 минг 533 гектар** ажратилган асосий ер майдонларига озуқабоп экинлар экилмоқда;

Шунингдек, ғалладан бўшаган **222 минг гектар** ер майдонларида **такрорий** маккажўхори ҳамда **103 минг гектарга** оралик озуқабоп экинлар экилиши ҳисобига **бир гектар** майдондан **14 минг тонна** озуқа бирлиги олиш режалаштирилган;

Бундан ташқари, **328 та** замонавий интенсив “Гидропоника” технологияси асосида чорва озуқасини ишлаб **чиқариш цехлари фаолияти йўлга қўйилмоқда.**

Амалга оширилаётган самарали ишлар натижасида йил якунига қадар қорамоллар бош сонини **14,3 млн бош (104,1 фоиз)**га, қўй-эчкилар сонини **24,1 млн бош (103,5 фоиз)**га, етказилиб, **2,7 млн тонна (104,2 фоиз)** гўшт (тирик вазнда), **12,2 млн тонна (105,2 фоиз)** сут ишлаб чиқарилади.

Шу жумладан, чорвачилик хўжаликларида қорамоллар бош сонини **1,3 млн. бош (124,1 фоиз)**га, қўй-эчкилар сонини **5,2 млн бош (114 фоиз)**га, етказиб, **308 минг тонна (108,9 фоиз)** гўшт (тирик вазнда), **827 минг тонна (118 фоиз)** сут, ишлаб чиқарилади.

**Норқобилов Бахром Тўраевич**  
*Ўзбекистон Республикаси Ветеринария*  
*ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси*